Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 40 (325) • 2011 йил 4 октябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонунчиликдаги янгиликлар

# ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



***Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган 2 та муҳим ҳужжат тасдиқланди.***

## ПЕНСИЯНИ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

**Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом** тасдиқланди, унда пенсия тайинлаш учун зарур ҳужжатларнинг батафсил рўйхати келтирилган. Янги таҳрирда имтиёзли пенсия таъминотига доир ҳуқуқни аниқлаштирадиган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даврлари, ҳақиқий иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар намуналари ва бошқа ҳужжатлар келтирилган.

**• Бўлғуси пенсионерларнинг рўйхат таркиби ҳар бир йилнинг декабрида тузилиши керак**

Энди ташкилот маъмурияти ҳар йили декабрь ойида *(илгари белгиланганидек, йилнинг бошида эмас)* ходимларнинг шахсий варақчалари ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладиган шахсларнинг рўйхатини тузади. Уларга нисбатан маъмурият пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни олдиндан тайёрлаш ва йиғишга киришади. Бундан ташқари, ташкилот маъмурияти ходим пенсия ёшига етган кундан кечиктирмай унинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдиришга мажбур.

Бироқ ходим пенсия тайинлаш тўғрисида ариза берган тақдирда ташкилот маъмурияти мазкур ариза рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида зарур ҳужжатларни ва тақдимномани тўлиқ расмийлаштиради ва ариза берувчини улар билан (тақдимномага имзо қўйдирган ҳолда) таништиради. Ҳужжатлар ва тақдимнома ходимнинг аризаси билан бирга ариза берувчининг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига юборилади.

**• Ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқишдаги янгилик**

Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ва меҳнат стажи ҳамда пенсия миқдорига таъсир кўрсатадиган маълумотларни тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг янада батафсил рўйхати белгиланди.

Масалан, бола 3 ёшга тўлгунча уни парвариш қилиш таътилида бўлиш вақти пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган меҳнат стажига ҳисобланади, бироқ у жами ҳисобда ***3 йилдан ошмаслиги*** керак. Мазкур таътилда бўлиш вақти болани парвариш қилиш бўйича таътил берилганлиги ва таътилдан қайтилганлиги тўғрисидаги буйруқларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда ташкилот томонидан берилган, болани парвариш қилиш вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома асосида белгиланади. Ушбу ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, шунингдек буйруқларда зарур ёзувлар бўлмаганда ёки болани парваришлаш таътилида бўлганлик даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар бўлганда, ушбу давр учун ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома болани парваришлаш таътилида бўлганлик даврининг тасдиғи сифатида қабул қилинади.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, болани парваришлаш таътилида бўлиш даври қуйидаги даврларни ташкил этади:

1 йил – 1971 йил 1 январдан 1983 йил 1 ноябргача туғилган бола учун;

1,5 йил – 1983 йил 1 ноябрдан 1990 йил 1 июлгача туғилган бола учун;

3 йил – 1990 йил 1 июлдан кейин туғилган бола учун.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда болани парваришлаш таътили бошланган сана сифатида бола туғилган сана қабул қилинади.

Болани парваришлаш таътилида (шу жумладан пул тўланадиган таътилда) бўлиш даври ёшга доир имтиёзли пенсияга ҳуқуқ берадиган ишнинг махсус стажига **киритилмайди**.

Меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар ушбу дафтарчани тўлдириш ва юритиш пайтида амалда бўлган меҳнат дафтарчаларини юритишни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ расмийлаштирилиши керак. Агар меҳнат дафтарчаларида ва бошқа ҳужжатларда ёзувлар белгиланган қоидалардан четга чиққан ҳолда бажарилган бўлса, уларни иш стажининг исботи сифатида қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масала Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ҳал этилади.

***Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ва тақдим этиш масалалари бўйича тушунтириш ва маълумотлар бериш мажбурияти юкланган.***

Пенсия тайинлаш бўйича комиссиянинг қарори устидан ариза берувчи бевосита Пенсия жамғармаси бўлимининг юқори органи ёки судга шикоят қилиши мумкин.

**• Ҳужжатлар мавжуд бўлмаганида стажни тасдиқлаш суднинг ҳал қилув қарори билан белгиланади**

Иш стажи тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади. Иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фавқулодда

4-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Қонунчиликдаги янгиликлар

***Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.***

## ИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА МУКОФОТ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 сентябрдаги «Божхона органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 263-сон қарори билан 2011 йил 1 октябрдан бошлаб тоифалардан ташқари божхона постлари ходимларининг тариф разрядларини Давлат божхона қўмитаси ходимлари лавозим маошлари Ягона тариф сеткасининг 2 тариф разрядига, биринчи тоифали божхона постлари ходимларининг тариф разрядларини 1 тариф разрядига ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.**

Шунингдек **2011 йил 1 октябрдан бошлаб** юклама ҳажмини ва иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда божхона органлари ходимларининг лавозим маошларига:

тоифалардан ташқари божхона постларида – лавозим маошининг 70 фоизи миқдорида;

биринчи тоифали постларда – лавозим маошининг 25 фоизи миқдорида;

иккинчи тоифали постларда – лавозим маошининг 15 фоизи миқдорида;

божхона постининг тоифасидан қатъи назар, алоҳида шароитлардаги божхона постларида хизматни ўтаётганлик учун (кинология гуруҳлари ва юкларни божхона кўригидан ўтказиш гуруҳлари учун), шунингдек Миллий кинология маркази ходимлари учун – лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида устамалар белгиланди.

ДБҚнинг Божхона органларини ривожлантириш жамғармаси тузилмасида махсус Мукофот жамғармаси ташкил этилиб, Божхона органларини ривожлантириш жамғармаси умумий тушумларининг 25 фоизгачаси уни шакллантиришнинг манбалари этиб белгиланди. ДБҚ раисига Мукофот жамғармаси маблағларидан божхона органлари ходимларини:

товарларни божхона чегараси орқали ноқонуний ўтказиш ҳолатларини аниқлаганлиги ва уларнинг олдини олганлиги, уларни давлат даромадига ўтказганлиги учун – мусодара қилинган товарлар қийматига кўра лавозим маошининг 1 бараваридан 10 бараваригача;

четдан олиб келиш ва четга чиқариш тақиқланган товарларни божхона чегараси орқали ўтказиш ҳолатларини аниқлаганлиги ва уларнинг олдини олганлиги учун – лавозим маошининг 3 бараваридан 10 бараваригача миқдорда мукофотлаш ҳуқуқи берилган.

## СИМОБЛИ ЛАМПАЛАРНИ УТИЛИЗАЦИЯЛАШ ҚОИДАЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 сентябрдаги 266-сон қарори билан Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини тўплаш ва уларни утилизация қилишни ташкил этиш тўғрисида низом тасдиқланди,** шунингдек симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини **тўплаш** эндиликда қуйидагилар томонидан амалга оширилиши белгиланди:

симобли маҳсулотларни зарарсизлантириш (демеркуризациялаш) ва утилизация қилишни амалга оширишга Давлат

3-бетда

NORMA®
www.norma.uz

УШБУ СОНДА

1, 4-5-бетлар — Пенсия: тайинлаш ва тўлаш тартиблари

2-бет — Нотариал тасдиқланмаган, лекин кучга эга

5-бет — Ҳомиладорлик ва туғиш таътилига доир

6-бет — Мол-мулкни баҳолаш тартибларига оид

$1 = 1746,60 сўм €1 = 2379,84 сўм £1 = 2699,54 сўм ¥10 = 228,70 сўм

Бизнинг маслаҳат

# НОТАРИАЛ ТАРТИБДА ТАСДИҚЛАНИШИ ШАРТ ЭМАС

***Мен ва турмуш ўртоғим пенсионермиз. Ҳар йили ёз мавсумида турмуш ўртоғим шаҳардан ташқаридаги дала ҳовлимизга чиқиб кетиб, ўша ерда 1,5-2 ой қолиб кетадилар. Айтишларича, мен турмуш ўртоғимнинг менинг номимга ёзган ишончномаси орқали у кишига тегишли пенсия пулини ҳам олсам бўлар экан. Бироқ бу ишончномани нотариал тасдиқлатиш шарт дейишяпти, шу тўғрими?***

**Х.Насриддинова,**
**пенсионер.**

– Фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида баъзи ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни ишончномалар орқали амалга ошириш мумкиндир. Фуқаролик кодексининг 134-моддасида бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Кодекснинг 135-моддасида эса ишончнома икки шаклда – оддий ёзма ёки нотариал шаклда расмийлаштирилиши белгиланиб, нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши кераклиги қайд этилгандир.



Бироқ ишончноманинг оддий ёзма шаклини расмийлаштиришда нотариал тасдиқлатиш шарт бўлмаган ҳолатлар амалиётда кўплаб учрайди. Хусусан, таҳририятга мактуб йўллаган пенсионер ҳамюртимизнинг ҳолатларида Фуқаролик кодексининг 137-моддаси қўлланилади. Унда айтилишича, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволанишда бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, ишончнома фақат эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар ёки ака ва укалар ўртасида тузиладиган ҳужжат эмас. Уни ўзаро қўшнилар, таниш-билишлар ўртасида ҳам тузса бўлаверади. Ишончли вакил, яъни ишончнома берилган шахс ишончномага қўшиб ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам кўрсатиши лозимлигини унутмаслик керак.

***Улуғбек СОБИРОВ,***
***Юнусобод туманидаги 7-сон нотариал идораси нотариуси.***

# СЕРВИТУТНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

***Газетангизда сервитут тўғрисидаги битим рўйхатдан ўтказилиши кераклиги ҳақида ўқидик. Буни қаерда ва қандай тартибда амалга ошириш лозимлигини билмоқчи эдик. Ушбу битим нотариал тасдиқланиши керакми?***

**Татьяна.**

– Ер кодекси 30-моддасининг бешинчи қисмига, шунингдек Фуқаролик кодекси 173-моддасининг тўртинчи қисмига кўра **сервитут тўғрисидаги битим** кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда **давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим** ва ер участкаси бошқа шахсга ўтишида сақланади. Сервитут тўғрисидаги битимни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома[1] *(бундан кейин – Йўриқнома)* билан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатнинг 2.8-бандига кўра сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш ер участкаси жойлашган жойдаги ер ресурслари ва кўчмас мулк кадастри бўйича тегишли ҳудудий хизматлар томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш таомили юридик ёки жисмоний шахснинг рўйхатга олиш органига ёзма ариза, сервитут тўғрисида битим ва Йўриқномага биноан бошқа ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар билан мурожаат қилишидан бошланади.

Рўйхатдан ўтказиш 10 кун мобайнида амалга оширилади, шундан кейин аризачига ер участкасига доир ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш амалга оширилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади.

**Амалдаги қонун ҳужжатлари сервитут тўғрисидаги битим албатта нотариал тасдиқланиши кераклигини назарда тутмайди.** Бироқ тарафлар нотариусга ихтиёрий равишда ёки тарафларнинг бири шуни талаб қилганда мурожаат қилишлари мумкин.

**Ҳужжат тили билан**

*Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса – бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.*

*Ўзганинг ер участкасидан пиёда ва транспортда ўта олишни таъминлаш, электр узатгич, алоқа ва қувур линияларини ўтказиш ва улардан фойдаланиш, сув билан таъминлаш учун, шунингдек кўчмас мулк эгасининг эҳтиёжларини сервитут белгиламай туриб таъминланиши мумкин бўлмаган бошқа эҳтиёжларини қондириш учун сервитут белгиланиши мумкин.*

*Ер участкасида сервитут белгиланиши ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.*

***Фуқаролик кодекси,***
***173-модда.***

*[1]Ер ишлари давлат қўмитаси ҳамда Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 27 майда 736-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

# МАҚОМНИ ТАСДИҚЛАНГ

***Мен Пенсия жамғармаси бўлимига менга ихтисослашган тиббий муассасанинг шифокори сифатида имтиёзли пенсия тайинлашлари учун мурожаат қилдим. Бироқ бўлим ходими ҳужжатларимни қабул қилишдан бош тортиб, бунда ихтисослашган тиббий муассасаларнинг рўйхати тасдиқлангунга қадар ҳеч ким ушбу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмаслигини важ қилиб кўрсатди. У ҳақлими? Агар ҳақли бўлмаса, мен ихтисослашган тиббий муассасанинг шифокори эканлигимни қандай қилиб исботлашим керак?***

**Шифокор.**



– Йўқ, Пенсия жамғармаси бўлимининг ходими ҳақли эмас. Ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорларига имтиёз берадиган меъёр амал қилади ва «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 12-моддасининг «л» банди билан белгиланган. Ушбу Қонунда ихтисослашган муассасаларнинг рўйхати алоҳида ҳужжатлар билан тасдиқланиши қайд этилган меъёр мавжуд эмас. Шу сабабли бундай рўйхат тасдиқланишини кутиш ва фуқароларнинг ушбу имтиёзни қўллашларини рад этиш тўғри эмас.

Охирги иш жойидан қатъи назар ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқига **ихтисослашган тиббий муассасаларнинг** шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари эга бўлиб, улар айни вақтда қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:

ихтисослашган тиббий муассасаларда ишлаш;

махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда;

ихтисослашган муассасаларда умумбелгиланган ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган Ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 3-сон рўйхатининг* VIII қисмида келтирилган лавозимларни эгаллаш.

Мазкур тиббий муассасага ихтисослашган муассаса мақомини берган расмий ҳужжатларни кўрсатган ҳолда иш жойидан берилган маълумотнома сизнинг ихтисослашган тиббий муассасада ишлаганлигингизни тасдиқлаши мумкин. Ёки сиз иш берувчингиз орқали бевосита республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига тегишли сўров юборишингиз мумкин. Ушбу ҳужжатлар билан сиз имтиёзли пенсия тайинлашлари учун Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишга ҳақлисиз. Рад этиш тўғрисидаги қарор устидан юқори инстанция – Пенсия жамғармасининг тегишли бошқармаси, Молия вазирлиги ёки судга мурожаат қилиш мумкин.

**ВМнинг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган.*

***Телефон орқали саволларга «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.***

**УШБУ СОНДА:**

✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Пенсия ислоҳоти давом этмоқда
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Муддатсиз муддатли шартнома
*1, 3-5-бетлар*

✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
– Нотариал тартибда тасдиқланиши шарт эмас
– Мақомни тасдиқланг
– Сервитутни рўйхатдан ўтказиш
– Валюталар курси
*2-бет*

✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Ўз ўрнингизни билинг
– Банк ходимлари ноҳақ
– Нақд пулсиз чакана сотиш мумкин
– Ўзини ўзи баҳолайди
*6-бет*

✓ **РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**
*7-8-бетлар*

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 30.09.2011 | 1 | 0,7869 | 1 | 1,0643 | 1 | 0,0246 |
| Арманистон | 29.09.2011 | 1 | 371,35 | 1 | 506,71 | 1 | 11,66 |
| Беларусь | 30.09.2011 | 1 | 5599,00 | 1 | 7638,16 | 1 | 175,65 |
| Грузия | 30.09.2011 | 1 | 1,661 | 1 | 2,2641 | 1 | 5,211 |
| Қозоғистон | 30.09.2011 | 1 | 147,87 | 1 | 201,72 | 1 | 4,64 |
| Қирғизистон | 30.09.2011 | 1 | 45,0008 | 1 | 61,1059 | 1 | 1,4053 |
| Латвия | 30.09.2011 | 1 | 0,516 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0163 |
| Литва | 30.09.2011 | 1 | 2,5383 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,9478 |
| Молдова | 30.09.2011 | 1 | 11,9167 | 1 | 16,2251 | 1 | 0,3727 |
| Тожикистон | 30.09.2011 | 1 | 4,7509 | 1 | 6,5064 | 1 | 0,1491 |
| Ўзбекистон | 27.09.2011 | 1 | 1746,60 | 1 | 2379,84 | 1 | 54,40 |
| Украина | 30.09.2011 | 100 | 797,27 | 100 | 1085,4831 | 10 | 2,5012 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг рухсатномасига эга бўлган ташкилотлар *(бундан кейин – утилизация қилиш ташкилотлари)*;

энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан, шу жумладан уларни сотиш пунктлари орқали;

маиший чиқиндиларни тўплаш пунктлари орқали.

Низомга мувофиқ, симобли лампалардан фойдаланувчи юридик шахслар симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини ва яроқсиз лампаларни бошқа чиқиндилардан алоҳида, махсус ажратилган жойда, лампаларни шикастламайдиган ва улардаги симобли моддаларнинг ҳавога чиқишига, сув таъминоти манбаларига, тупроққа ва озиқ-овқат маҳсулотларига тушишига йўл қўймайдиган махсус идишда тўплайдилар ва уларни фақат утилизация қилиш ташкилотларига топширадилар.

Симобли лампалардан фойдаланувчилар (аҳолидан ташқари) томонидан симобли лампаларнинг айланиши ҳисоби қайд этиладиган дафтар мажбурий тартибда юритилиши шарт. Дафтарда муайян давр мобайнида сотиб олинган лампаларнинг сони, фойдаланиладиган жойи ва уларни қабул қилиб олган масъул шахс (цех, участка бошлиғи ёки бошқалар) кўрсатилади. Симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилишга қайтариш ҳам дафтарда тегишли равишда қайд қилган ҳолда амалга оширилади. Мазкур дафтар Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ушбу Низом талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда ўтказиладиган текширишлар вақтида кўрсатиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Аҳолини эски симобли лампаларни топширишга жалб қилиш учун эса фуқароларга симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини (ишлаб чиқарувчи корхонадан қатъи назар) қайтарган ҳолда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган энергияни тежайдиган янги лампани сотиб олишда сотиб олинаётган лампа қийматини 5 фоизга камайтириш тарзида тақдирлаш таклиф қилинмоқда.

Симобли лампаларни аҳолига турғун савдо шохобчалари орқали, савдо комплексларида, шунингдек фирма дўконларида ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ваколатхоналарида сотадиган савдо корхоналари симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини, кейинчалик уларни энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчиларига топширган ҳолда қабул қилиб олишни мажбурий тартибда амалга оширадилар.

Шунингдек симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш тартиби ва 2012 йил 1 январгача утилизация қилиш ташкилотларини ташкил этиш назарда тутилган.

Энергияни тежайдиган лампаларни ишлаб чиқарувчи корхоналарга Маҳаллийлаштириш дастури доирасида имтиёзлар бериш муносабати билан бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга, шу жумладан симобли лампаларни тўплаш, зарарсизлантириш ва утилизация қилиш харажатларини қоплаш учун йўналтириш тавсия этилган.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига:

юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли рухсатнома олмасдан симобли лампаларни мустақил равишда утилизация қилишга ёки зарарсизлантиришга йўл қўймаслик;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда – симобли лампаларнинг ишлатилиб бўлган ресурсларини аҳоли томонидан топширилиши юзасидан назоратни кучайтириш топширилди.

## ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТИ ҚОИДАЛАРИ

**Молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 сентябрда 2265-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланди.** Улар билан лизинг берувчи ички назоратининг мақсад ва вазифалари ҳамда ички назорат тизимини ташкил қилиш тартиби белгиланган. Қоидаларда шунингдек лизинг берувчилар томонидан мижозларни лозим даражада текширишга доир талаблар, хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби назарда тутилган.

Чунончи, лизинг берувчилар мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахс тайинлашлари керак. Уни тайинлаш ҳақидаги буйруқ нусхаси у қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида Молия вазирлигига юборилиши керак. Ҳужжат билан масъул шахсга нисбатан малака талаблари, унинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Мисол учун, масъул шахснинг функцияларига ички назоратни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва раҳбариятга тасдиқлашга киритиш (лизинг берувчининг фаолиятига хос хиҳатларидан келиб чиқиб), мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек Департаментнинг қўшимча ахборот тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлаш ва бошқалар киради.

Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

**2011 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

## ХОРИЖИЙ МУТАХАССИС ЖАЛБ ЭТИЛГАНДА

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 20 сентябрда 285-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг қўлланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Уларга биноан, Ўзбекистонда хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланишга рухсатномалар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилиши керак. Рухсатнома олиш учун ҳужжатлар рўйхати аввалгидек қолган, бунда ҳужжатда рухсатнома олиш учун аризанинг янгиланган шакллари (бланкалари) ва хорижий мутахассис анкеталари келтирилган. Ҳужжатлар пакетини кўриб чиқиш ва рухсатнома бериш энди иш берувчи томонидан зарур ҳужжатлар берилган кундан бошлаб 30 кун давомида *(олдин – 15 кун давомида)* амалга оширилади.



Эндиликда хорижий мутахассиснинг меҳнат фаолияти ҳуқуқи тасдиқномасини олиш учун бошқа ҳужжатлар билан бирга қуйидагилар ҳам тақдим қилиниши керак: 3 х 4 ўлчамдаги 2 та фотосурат; хорижий ишчининг миллий паспорти нусхаси (кириш визасининг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда); иш берувчи томонидан аризада кўрсатилган лавозимга жалб қилинаётган хорижий ишчининг тегишли маълумоти, малакаси ёки ихтисослигининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; хорижий ишчини республикага жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги меҳнат ва аҳоли бандлиги бўйича ҳудудий органнинг хати; амалдаги рухсатнома нусхаси (уни ҳали олмаган ташкилотлардан ташқари); тасдиқномани расмийлаштириш ва бериш учун белгиланган тўлов тўланганлиги ҳақидаги банк ҳужжати. Ҳужжат билан шунингдек тасдиқнома олиш учун аризанинг янгиланган шакллари (бланкалари) ва раҳбарнинг мажбуриятлари келтирилган.

Бундан ташқари, белгиланишича, хорижий ишчи Ўзбекистонда бўлганда ҳужжатлар қуйидаги визалардан биттаси: «Е» меҳнат визаси, «В-1», «В-2» ишбилармонлик визалари ёхуд «S-3» хизмат визаси бўлганда қабул қилинади.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**2011 йил 30 сентябрдан кучга кирди.**

## ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ

**Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 сентябрда 2136-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб бюджет маблағлари ҳисобига олий таълим муассасаларининг харажатларини норматив режалаштириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритилди.**

Чунончи, Олий таълим муассасалари гуруҳлари бўйича бир талабани ўқитиш харажатларининг базавий нормативларидаги баъзи олий таълим муассасалари номлари ҳозирги номларига мувофиқлаштирилган. Хусусан, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти энди Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти – Андижон машинасозлик институтидир ва Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти номи Наманган муҳандислик-технология институтига ўзгартирилди.

Тугатилган Андижон давлат тиллар педагогика институти рўйхатдан чиқариб ташланди.

**2011 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

* * *

**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 сентябрда 1064-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди.** Унга биноан, Реестрдан чиқариш энди шунингдек хўжалик юритувчи субъектга нисбатан тугатишга доир иш юритилганда *(олдин – суддан олдинги санация ёки банкротлик таомили қўлланилганда)* амалга оширилади.

**2011 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

* * *

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 сентябрда 907-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартибига ўзгартириш киритилди.** Унга мувофиқ, Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби *(рўйхат рақами 907, 2000 йил 7 март)* кредит ажратиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш ва банк хулосасини бериш муддатини белгилаш хусусида 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4354-сон Фармонига мувофиқлаштирилган бўлиб, у зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кредит ажратиш ҳақидаги ариза келиб тушган кундан бошлаб 3 банк кунидан ошмаслиги керак.

**2011 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

* * *

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 22 сентябрда 632-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.**

Хусусан, «Муддати ўтган кредитлар (активлар)» тушунчасига доир киритилган меъёрга мувофиқ, кредит бўйича тўловлар кредит шартномаси амал қиладиган бутун муддатга тақсимланади ва қисмларга бўлиб тўланади, уларнинг миқдорлари ва даврийлиги эса кредит шартномаси билан белгиланади.

Ҳужжат шунингдек «Банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий захиралар депозитлари» тушунчаси билан тўлдирилди. Бунда банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун Марказий банкда захира қилинадиган тижорат банкларининг депозитлари тушунилади.

Активларни таснифлаш тизими ҳам ўзгартирилган. Чунончи, сўндириш жадвалига мувофиқ фоизлар ва асосий қарз бўйича сўндирилмаган тўловлар мавжуд бўлганда актив «шубҳали» деб таснифланади.

«Умидсиз» активларга қуйидагилар киради: шартнома жадвалига мувофиқ оралиқ тўловларни сўндириш муддати 180 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган; шартномада белгиланган муддатда сўндирилмаган; судда ишни кўриш жараёнида бўлган; қарздорнинг ёмон молиявий аҳволи ва тўловга қодир эмаслиги сабабли муддати узайтирилган активлар; шунингдек қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, бироқ банк балансига олинган кундан бошлаб 3 ойлик муддат ичида гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларни қўллаш йўли билан банк томонидан реализация қилинмаган ва банк мақсадларида фойдаланилмаётган мол-мулк. Актив шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаслигидан далолат берувчи далиллар ёки аломатлар мавжуд бўлганда у «умидсиз» деб таснифланиши керак.

Тижорат банкларида маблағларни корреспондент ҳисобрақамидан мажбурий захиралар депозит ҳисобрақамига банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантирилган махсус захираларга тенг маблағлар суммасига ўтказиш мажбурияти пайдо бўлди.

Ҳужжат билан бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

**2011 йил 2 октябрдан кучга кирди.**

***2011 йил 17 сентябрдан 23 сентябргача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Абдураҳмон БАХТИЕВ тайёрлади.***

# ПЕНСИЯ ИСЛОҲОТИ

1-бетда

вазиятлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар (шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда ва уларни олиш имкони бўлмаганда иш стажи суд тартибида белгиланади.

**● Дивидендлар ҳақиқий иш ҳақида ҳисобга олинмайди**

Ҳақиқий иш ҳақи таркибига суғурта бадаллари ҳисобланган, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича даромадлар ҳам киритилади.

Ташкилотнинг устав сармоясида (фондида) қатнашиш муносабати билан олинган даромадлар ва дивидендларни тақсимлаш тарзидаги тўловлар ҳақиқий иш ҳақи таркибига **киритилмайди** *(илгари ҳам улар ҳисобга олинмаган, бироқ кўп сонли саволлар келиб тушиши муносабати билан ҳужжатга аниқлаштиришлар киритилган).*

**● Пенсионер ярим йилда ўзини эслатиб туриши керак**

Ишламайдиган пенсионерларга пенсия яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимлари томонидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқаси объектлари томонидан уларнинг операторлари ва провайдерлари орқали ёки пенсионернинг хоҳишига кўра пул маблағларини фуқароларнинг депозит ҳисобрақамларига накд пулсиз ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

Тижорат банкининг филиали орқали пенсия оладиган пенсионер ҳар 6 ойда пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига келиш йўли билан ўзининг пенсия суммасини олиш ҳуқуқини тасдиқлаши зарур.

Пенсионер белгиланган муддатда Пенсия жамғармаси бўлимига келмаган тақдирда Пенсия жамғармаси бўлими ходимлари ўн кун мобайнида:

унинг тирик эканлиги;

ишга жойлашганлиги;

яшаш жойи ўзгарганлиги ёки чет элга кетганлиги;

жазони ўташ жойларида эканлиги;

кексалар ва ногиронларнинг интернат уйларида (пансионатларида) яшаётганлиги ҳолатларини аниқлаш учун пенсионер яшайдиган жойга борадилар.

Олинадиган пенсияга пенсионернинг ҳуқуқи тасдиқланган тақдирда пенсияни тўлаш навбатдаги 6 ойга давом эттирилади. Пенсионернинг ҳуқуқлари тасдиқланмаган тақдирда пенсияни тўлаш тўланаётган пенсияни тўлашга ва унинг миқдори асосланганлигига таъсир кўрсатувчи ҳолатни тасдиқлайдиган далолатнома асосида тўхтатиб турилади. Далолатнома Пенсия жамғармаси ходимлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва қўшнилар иштирокида тузилади ҳамда пенсия тўлашни тўхтатиш (тугатиш) ёки ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Пенсия тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича амалга оширилиши мумкин. Бунда ишончнома берган шахс пенсия тўлайдиган Пенсия жамғармаси бўлимига бир йилда камида бир марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Ишончли вакил пенсия тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган, ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимига хабар бериши шарт.

**● Бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар**

Пенсия тўлаш, бир турдаги пенсияни бошқа турга ўтказиш, пенсионер бошқа жойга кўчганда пенсияни ўтказиш масалалари, шу жумладан доимий яшаш жойига кўчганда пенсия тўлаш масалалари янада батафсил тартибга солинган. Яна кўплаб бошқа масалалар ҳам кўрилган. *Улар ҳақида газетанинг кейинги сонларида янада батафсилроқ ўқийсиз.*

## ИШ ҲАҚИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ КОЭФФИЦИЕНТИ КИРИТИЛДИ

Юқорида кўрсатилган қарор билан тасдиқланган **Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисида низом** 2011 йил 1 октябрдан кучга кирди.

Ўзгартиришларнинг моҳияти шундан иборатки, 1 октябрдан бошлаб киритилган тартибга кўра пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи ***иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини*** *(бундан кейин – ИКЗ)* қўллаган ҳолда белгиланади.

ИКЗ – тегишли ой учун пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақининг айнан шу ой учун энг кам ойлик иш ҳақи нисбати сифатида аниқланадиган миқдордир.

ИКЗ пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг жорий йил 1 октябрдан бошлаб пенсиясини ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи ҳисоб-китоби учун ёки у пенсия миқдорига таъсир этадиган (иш стажи ёки иш ҳақи ва бошқалар тўғрисида) қўшимча ҳужжатлар тақдим этган тақдирда пенсионернинг ҳақиқий иш ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун, шунингдек пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказиш чоғида қўлланади.

Пенсия Низом жорий этилгунгача тайинланган фуқароларга пенсияни ҳисоблаш учун ҳақиқий иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда ҳақиқий иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш механизми ***қўлланмайди***. Ногиронлик гуруҳи (I ва II гуруҳ ногиронларига) ўзгартирилганда, шунингдек пенсионер оила аъзоларининг боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия оладиганлари сони ўзгарганда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинган ҳақиқий иш ҳақи миқдорлари мазкур чизма бўйича қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

ИКЗ, ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар (пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг танлашига кўра), меҳнат фаолиятининг охирги 10 йили мобайнидаги исталган кетма-кет 60 ойидан ҳар бир ойи учун аниқланади, бунда шахснинг пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақи тегишли ойдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдорига бўлинади ва қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

***ИКЗi = ФЗi / МЗПi***, бунда:

***ИКЗi*** – i ой учун иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти;

***ФЗi*** – i ой учун ҳақиқий иш ҳақи, сўм;

***МЗПi*** – i ой учун энг кам иш ҳақи, сўм.

Иш ҳақи **ИКЗ** вергулдан кейин тўрт белгили миқдордир.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ИКЗни ҳисоблашда вергулдан кейин тўрт белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги бешинчи белги «5» га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда тўртинчи белги бир бирликка кўпайтирилади.

Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган ***ҳақиқий иш ҳақи*** қуйидаги формула бўйича аниқланади:

***ПФЗi = ИКЗi х СМЗП,*** бунда:

***ПФЗi*** – иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқилган иш ҳақи, сўм;

***СМЗП*** – олдинги 12 ойдаги ўртача энг кам ойлик иш ҳақи, сўм.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ***ўртача ойлик иш ҳақи*** қуйидаги формула бўйича аниқланади:

***СЗИП = Σ ПФЗi / 60,*** бунда:

*Σ* – сумма белгиси шуни кўрсатадики, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини белгилашда иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаш учун қайта ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий иш ҳақи миқдори, шахснинг ишдаги мавжуд танаффусларидан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охирги 10 йили мобайнидаги исталган кетма-кет 5 йилнинг тегишли ойлари учун жамланиши керак.

Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи бир тийингача яхлит қилиб ҳисобланади. Бунда ярим тийин ва ундан кўп сумма яхлит тийингача яхлитланади, ярим тийиндан кам сумма эса ташлаб юборилади.

## ИШ ҲАҚИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ҲАМДА АВВАЛГИ ТИЗИМ БЎЙИЧА ҲАҚИҚИЙ ИШ ҲАҚИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАЙМИЗ

Қиёсий ҳисоб-китоб учун Низомга 2-иловада келтирилган иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ҳақиқий иш ҳақини қайта ҳисоблаш мисолини оламиз.

Умумий шартлар: эркак киши 2011 йил 12 апрелда 60 ёшга тўлгач, пенсия тайинлаш учун мурожаат қилди ва унинг охирги 10 йил мобайнида меҳнат фаолиятининг 5 йиллик даври учун 2006 йил май – 2011 йил апрель ойлари танланди.

| ***Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини қўллаган ҳолда*** | ***Тузатиш коэффициентларини қўллаган ҳолда (аввалги тизим бўйича)*** |
|---|---|
| ***Ҳисоб-китоб учун зарур маълумотлар:*** | |
| Ҳақиқий иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар *(жадвалнинг 3-устуни)*;<br>белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорлари[1] *(жадвалнинг 2-устуни)* | Ҳақиқий иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар *(жадвалнинг 3-устуни)*;<br>ўртача ойлик иш ҳақини бараварлаштириш учун қўлланадиган йиллар ва ойлар бўйича табақалаштирилган тузатиш коэффициентлари[2] *(жадвалнинг 7-устуни)* |
| **1-қадам.** Пенсия тайинланган ойдан олдинги 12 ой учун ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини аниқлаймиз:<br>СМЗП= (37 680 сўм (2010 йил май – июлдаги МЗП миқдори) х 3 + 45 215 сўм. (2010 йил август – ноябрдаги МЗП миқдори) х 4 + 49 735 сўм. (2010 йил декабрь – 2011 йил апрелдаги МЗП миқдори) х 5) / 12 = 45 214,58 сўм *(жадвалнинг 5-устуни)* | **1-қадам.** Йиллар ва ойлар бўйича табақалаштирилган тузатиш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда пенсия ҳисобланадиган иш ҳақини тенглаштирамиз.<br>Бунинг учун аниқ ойдаги иш ҳақини *(жадвалнинг 3-устуни)* ушбу ой учун белгиланган коэффициентга кўпайтирамиз *(жадвалнинг 7-устуни)* ва пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг бараварлаштирилган миқдорига эга бўламиз *(жадвалнинг 8-устуни)*.<br>***Масалан.*** *2011 йил апрелда ариза берувчининг даромади 375 256 сўмни ташкил қилди. 2011 йил апрель учун коэффициент 1,15 ни ташкил қилади. Бараварлаштирилган иш ҳақи: 375 256 х 1,15 = 431 544,4 сўмга тенг.* |
| **2-қадам.** Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициентларини белгилаймиз *(жадвалнинг 4-устуни)*. Бунинг учун аниқ ойдаги даромадни ушбу ойда белгиланган МЗП миқдорига бўламиз.<br>***Масалан.*** *2011 йил апрелда ариза берувчининг даромади 375 256 сўмни ташкил қилди. МЗП миқдори – 49 735. Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти: 7,5451 (375 256 / 49 735)* | |
| **3-қадам.** Қайта ҳисобланган ҳақиқий иш ҳақини ҳисоб-китоб қиламиз *(жадвалнинг 6-устуни)*. Бунинг учун якка тартибдаги коэффициентни ўртача ойлик энг кам иш ҳақига кўпайтирамиз.<br>***Масалан.*** *2011 йил апрелда ариза берувчининг СМЗП 45 214,58 сўмни, иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти 7,5451 ни ташкил қилади. Қайта ҳисобланган ҳақиқий иш ҳақи: 7,5451 х 45 214,58 = 341 148,53 сўмни ташкил қилади.* | |
| **4-қадам.** Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаймиз. Бунинг учун 60 ойдаги қайта ҳисобланган ҳақиқий иш ҳақини жамлаймиз ва 60 га бўламиз:<br>**21 618 487,85 сўм / 60 = 360 308,13 сўм** | **2-қадам.** Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаймиз. Бунинг учун 60 ойдаги ҳақиқий иш ҳақининг бараварлаштирилган миқдорини жамлаймиз ва 60 га бўламиз:<br>**24 501 120,13 сўм / 60 = 408 352 сўм** |

Аввалдагидек, пенсия МЗПнинг 8 баравари – 457 600 сўмдан (57 200 х 8) ошмайдиган иш ҳақидан ҳисобланади. Шу сабабли ИКЗ қўлланган тақдирда пенсия 360 308,13 сўмдан, аввалги тизим бўйича ҳисобланган тақдирда эса 408 352 сўмдан ҳисоб-китоб қилинади.

---

*[1] Иловага 1-иловада келтирилган.*

*[2] Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2011 йил 7 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида» ПФ-4332-сон Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида низомга (молия вазирининг АВ томонидан 2011 йил 22 июлда 2246-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) илова.*

# ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Жадвал*

| *Даврлар* | *Энг кам ойлик иш ҳақи миқдори* | *Пенсияларни ҳисоблаш учун қўлланиладиган ҳақиқий иш ҳақи* | *Иш ҳақининг якка тартибдаги коэффициенти* | *Ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдори* | *Қайта ҳисоблаб чиқилган ҳақиқий иш ҳақи* | *Тузатиш коэффициентлари* | *Ҳақиқий иш ҳақи миқдори* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4 (3/2)* | *5* | *6 (4 x 5)* | *7* | *8 (3 x 7)* |
| **2006 йил** | | | | | | | |
| Май | 9 400 | 72 000 | 7,6596 | 45 214,58 | 346 325,60 | 5,91261 | 425 707,92 |
| Июнь | 9 400 | 123 400 | 13,1277 | 45 214,58 | 593 563,44 | 5,91261 | 729 616,07 |
| Июль | 10 800 | 82 800 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,92718 | 407 970,50 |
| Август | 10 800 | 82 800 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,92718 | 407 970,50 |
| Сентябрь | 10 800 | 82 800 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,92718 | 407 970,50 |
| Октябрь | 10 800 | 82 800 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,92718 | 407 970,50 |
| Ноябрь | 12 420 | 95 220 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Декабрь | 12 420 | 95 220 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| **Жами:** | | | | | **3 019 768,76** | | **3 569 933,43** |
| **2007 йил** | | | | | | | |
| Январь | 12 420 | 95 220,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Февраль | 12 420 | 95 220,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Март | 12 420 | 95 220,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Апрель | 12 420 | 95 220,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Май | 12 420 | 125 500,00 | 10,1047 | 45 214,58 | 456 879,77 | 4,1101 | 515 817,55 |
| Июнь | 12 420 | 145 600,00 | 11,7230 | 45 214,58 | 530 050,52 | 4,1101 | 598 430,56 |
| Июль | 12 420 | 95 220,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 4,1101 | 391 363,72 |
| Август | 15 525 | 119 025,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 3,28072 | 390 487,70 |
| Сентябрь | 15 525 | 119 025,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 3,28072 | 390 487,70 |
| Октябрь | 15 525 | 119 025,00 | 7,6667 | 45 214,58 | 346 646,62 | 3,28072 | 390 487,70 |
| Ноябрь | 17 077,50 | 130 930,00 | 7,6668 | 45 214,58 | 346 651,14 | 2,98034 | 390 215,92 |
| Декабрь | 18 630 | 144 025,00 | 7,7308 | 45 214,58 | 349 544,88 | 2,73999 | 394 627,06 |
| **Жами:** | | | | | **4 456 299,27** | | **5 027 372,79** |
| **2008 йил** | | | | | | | |
| Январь | 18 630 | 144 025 | 7,7308 | 45 214,58 | 349 544,88 | 2,73999 | 394 627,06 |
| Февраль | 18 630 | 144 025 | 7,7308 | 45 214,58 | 349 544,88 | 2,73999 | 394 627,06 |
| Март | 18 630 | 144 025 | 7,7308 | 45 214,58 | 349 544,88 | 2,73999 | 394 627,06 |
| Апрель | 20 865 | 161 308 | 7,7310 | 45 214,58 | 349 553,92 | 2,42765 | 391 599,37 |
| Май | 20 865 | 185 425 | 8,8869 | 45 214,58 | 401 817,45 | 2,42765 | 450 147,00 |
| Июнь | 20 865 | 224 560 | 10,7625 | 45 214,58 | 486 621,92 | 2,42765 | 545 153,08 |
| Июль | 20 865 | 161 308 | 7,7310 | 45 214,58 | 349 553,92 | 2,42765 | 391 599,37 |
| Август | 20 865 | 161 308 | 7,7310 | 45 214,58 | 349 553,92 | 2,42765 | 391 599,37 |
| Сентябрь | 25 040 | 194 500 | 7,7676 | 45 214,58 | 351 208,77 | 2,01894 | 392 683,83 |
| Октябрь | 25 040 | 194 500 | 7,7676 | 45 214,58 | 351 208,77 | 2,01894 | 392 683,83 |
| Ноябрь | 26 540 | 208 400 | 7,8523 | 45 214,58 | 355 038,45 | 1,9228 | 400 711,52 |
| Декабрь | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 378 183,48 |
| **Жами:** | | | | | **4 379 235,56** | | **4 523 614,97** |
| **2009 йил** | | | | | | | |
| Январь | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 378 183,48 |
| Февраль | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 378 183,48 |
| Март | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 378 183,48 |
| Апрель | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 378 183,48 |
| Май | 28 040 | 245 600 | 8,7589 | 45 214,58 | 396 029,98 | 1,8147 | 445 690,32 |
| Июнь | 28 040 | 297 852 | 10,6224 | 45 214,58 | 480 287,35 | 1,8147 | 540 512,02 |
| Июль | 28 040 | 208 400 | 7,4322 | 45 214,58 | 336 043,80 | 1,8147 | 445 690,32 |
| Август | 33 645 | 251 500 | 7,4751 | 45 214,58 | 337 983,51 | 1,45406 | 365 696,09 |
| Сентябрь | 33 645 | 251 500 | 7,4751 | 45 214,58 | 337 983,51 | 1,45406 | 365 696,09 |
| Октябрь | 33 645 | 251 500 | 7,4751 | 45 214,58 | 337 983,51 | 1,45406 | 365 696,09 |
| Ноябрь | 33 645 | 251 500 | 7,4751 | 45 214,58 | 337 983,51 | 1,45406 | 365 696,09 |
| Декабрь | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| **Жами:** | | | | | **4 247 340,08** | | **4 794 298,94** |
| **2010 йил** | | | | | | | |
| Январь | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| Февраль | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| Март | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| Апрель | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| Май | 37 680 | 312 500 | 8,2935 | 45 214,58 | 374 987,12 | 1,37 | 428 125 |
| Июнь | 37 680 | 365 800 | 9,7081 | 45 214,58 | 438 947,66 | 1,37 | 501 146 |
| Июль | 37 680 | 282 400 | 7,4947 | 45 214,58 | 338 869,71 | 1,37 | 386 888 |
| Август | 45 215 | 325 456 | 7,1980 | 45 214,58 | 325 454,55 | 1,20175 | 391 116,75 |
| Сентябрь | 45 215 | 325 456 | 7,1980 | 45 214,58 | 325 454,55 | 1,20175 | 391 116,75 |
| Октябрь | 45 215 | 325 456 | 7,1980 | 45 214,58 | 325 454,55 | 1,20175 | 391 116,75 |
| Ноябрь | 45 215 | 325 456 | 7,1980 | 45 214,58 | 325 454,55 | 1,20175 | 391 116,75 |
| Декабрь | 49 735 | 375 256 | 7,5451 | 45 214,58 | 341 148,53 | 1,15 | 431 544,4 |
| **Жами:** | | – | | | **4 151 250,06** | | **4 859 722,4** |
| **2011 йил** | | | | | | | |
| Январь | 49 735 | 375 256 | 7,5451 | 45 214,58 | 341 148,53 | 1,15 | 431 544,4 |
| Февраль | 49 735 | 375 256 | 7,5451 | 45 214,58 | 341 148,53 | 1,15 | 431 544,4 |
| Март | 49 735 | 375 256 | 7,5451 | 45 214,58 | 341 148,53 | 1,15 | 431 544,4 |
| Апрель | 49 735 | 375 256 | 7,5451 | 45 214,58 | 341 148,53 | 1,15 | 431 544,4 |
| **Жами:** | | | | | **1 364 594,12** | | **1 726 177,6** |
| **Ҳаммаси:** | | | | | **21 618 487,85** | | **24 501 120,13** |

*Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юрисконсульти.*

## Кадрлар бўлими

***Котиба лавозимига аёл кишини қабул қилдик. Меҳнат шартномасини 6 ойга туздик. Ушбу муддат тугашига қадар ходима ҳомиладорлик тўғрисида маълумотнома тақдим этди. Биз МКнинг 237-моддасига амал қилиб, у билан меҳнат шартномасини бекор қила олмадик. Биз уни узайтирдик, ҳомиладорлик ва туғиш таътили бердик, кейин эса унинг аризасига кўра бола 2 ёшга тўлгунча уни парваришлаш таътили ҳам берилди, барча тегишли тўловлар тўланди. Таътил тугашига саноқли кун қолганда аёл ҳомиладорлик ва туғиш бўйича меҳнатга қобилиятсизликнинг навбатдаги варақасини тақдим этди, у тўловга қабул қилинди.***

***1. Биз у билан меҳнат шартномасини узайтирмасликка ҳақли эдикми?***

***2. Агар меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлса, ҳомиладорлик ва туғиш таътили ҳамда нафақалар тўлаш нима бўлади?***

***3. Болани парваришлаш таътилида бўлган аёл билан муддатли меҳнат шартномасини узайтиришни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш керак? Муддатни узайтириш битимини доимий тарзда тузиш керакми ёки уни ишдан бўшатиб бўлмаслиги боис меҳнат шартномаси ўз-ўзидан номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланадими?***

***4. Ходима таътилларда бўлган даврида биз ушбу лавозимга бундан юқорироқ малакага эга, котибанинг вазифалари билан бир қаторда қўшимча ишларни бажарадиган бошқа ходимани қабул қилдик. Тегишинча, унга кўпроқ маош белгиланди. Болани парваришлаш таътилидаги ходимага ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси қандай маошдан ҳисобланиши керак? Дастлабки таътил бошлангунгача бўлган маошданми ёки янги ходима учун белгиланган маошданми?***

***5. Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига мувофиқ ишлаётган оналарга ушбу нафақани тайинлаш учун асос бўлиб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади. Яъни маъмурият нафақани тўлаш ёки тўламасликни ҳал қилиши мумкинми?***

**Т.Кузьмина,**
**юрисконсульт.**

# МУДДАТСИЗ МУДДАТЛИ ШАРТНОМА

– **1.** Сиз ходима – ҳомиладор аёл билан муддатли меҳнат шартномасини узайтирмаслик ҳуқуқига эга эдингиз.

Меҳнат кодексининг *(МК)* 237-моддасида **иш берувчининг ташаббусига кўра ҳомиладор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш** назарда тутилади. МК 100-моддасининг ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътилда бўлган даврида ишдан бўшатишни тақиқлаш тўғрисидаги қоидалари ҳам фақат ходимни **иш берувчининг ташаббуси бўйича** ишдан бўшатиш ҳолларига татбиқ этилади. Бироқ меҳнат шартномаси муддатининг тугаши – меҳнат шартномасини бекор қилишнинг алоҳида ва мустақил асосидир. Бунда иккала тарафнинг меҳнат шартномаси шартларида таъкидланган хоҳиши мавжуд. Шу сабабли ушбу кафолат муддатли меҳнат шартномаси тузилган ходималарга татбиқ этилмайди.

МК 105-моддасининг биринчи қисмига кўра, муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади. Шу тариқа, **муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишга қабул қилинган ва болани парваришлаш таътилида бўлган ходима билан меҳнат шартномасини иш берувчи МК 97-моддаси биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асос бўйича бекор қилиш ҳуқуқига эгадир**.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра муддатли меҳнат шартномасини таътил тугагандан кейин бекор қилиш назарда тутилиши мумкин *(МК 152-моддасининг учинчи қисми)*. Бундай ҳолда ҳақиқатда ишланган вақт шартнома муддати билан таътил вақти умумий давомийлигидан четга чиқишга йўл қўйилади. Бунда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугашигача узайтирилади.

МК 237-моддасининг иккинчи қисмида муддати тугаши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинган аёлларни албатта ишга жойлаштириш назарда тутилади. Уларни ишга жойлаштириш даврида уларнинг иш ҳақи сақланади, бироқ у муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб 3 ойдан ошмаслиги керак.

**2.** Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг[1] *(бундан кейин – Низом)* 42-бандига биноан **ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа** (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) **вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади**. Шу тариқа, агар аёл меҳнат муносабатлари даврида, ҳатто меҳнат шартномаси муддати тугашига 1 иш куни қолганда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича касаллик варақасини тақдим этса, ушбу нафақа тўлиқ ҳажмда тўланиши керак.

**3.** Меҳнат шартномаси муддатини узайтириш унга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги битим билан расмийлаштирилади. Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади *(МК 105-моддасининг иккинчи қисми)*, бунда шартномага ўзгартиришлар киритилган ёки киритилмаганлигининг аҳамияти йўқ. Бироқ ушбу ҳолда ҳам бундай ўзгартиришларни тарафларнинг келишуви билан расмийлаштириш тавсия қилинади.

**4.** Низомнинг 59-бандига кўра, агар ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида иш ҳақи ўзгарган бўлса, шу даврдан бошлаб нафақа миқдори ҳам тегишли равишда қайта ҳисоблаб чиқарилади. Агар нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақига қўшимча ҳақ ҳисобланган бўлса, нафақа ҳам тегишли равишда ошади.

**5.** Ҳақиқатан ҳам, Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] 5-бандига мувофиқ нафақа тайинлаш учун асос бўлиб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади. Биринчидан, бу корхонадаги барча пул операциялари фақат унинг маъмурияти қарори асосида амалга оширилиши билан боғлиқ. Ходимага нафақа тўлашни бошқа ҳеч ким тайинлай олмайди. Иккинчидан, нафақа боланинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхасини илова қилган ҳолда фақат таътил бериш ва нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза бўйича тайинланади. Агар улар тақдим этилмаса, корхона маъмурияти ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар нафақа тўлашдан бош тортишга ҳақлидир.

Шу билан бирга **нафақа тўлаган ҳолда болани парваришлаш таътилини бериш мажбурийдир**. Шу сабабли агар ходима ушбу кафолатларга ҳақли бўлса ва зарур ҳужжатларни тақдим этганда корхона маъмурияти унга рад жавоби беришга ҳақли эмас.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта миқдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади *(Низом 4-бандининг биринчи хатбошиси)*.

Агар бола икки ёшга тўлгунгача уни парваришлаш таътили вақтида она иккинчи бола учун ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқиш ҳуқуқига эга бўлса, ушбу давр учун, онанинг танлашига қараб, икки нафақанинг биттаси тўланади *(Низом 4-бандининг иккинчи хатбошиси)*.

[1] *Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

[2] *МАИМҚВ ва МВнинг АВ томонидан 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

# ЎЗ ЎРНИНГИЗНИ БИЛИНГ



***Бизнинг МЧЖ асосий фаолият тури – улгуржи савдо, қўшимча фаолият тури – ишлаб чиқариш. МЧЖ ягона солиқ тўлови тўловчисидир. Корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни Тошкент шаҳридаги бозорларга олиб чиқиш учун автофургондан фойдаланиб, касса аппаратидан фойдаланган ҳолда нақд пулга реализация қилиш ҳуқуқига эгами?***

**О.Ким.**

– Фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини улгуржи бозорлар ҳудудидагина идишларда (контейнерларда) ва автомашиналарда реализация қилишга рухсат берилади (*Улгуржи қишлоқ хўжалиги бозори тўғрисидаги намунавий низом*[1] *13-бандининг иккинчи хатбошиси*).

Қолган ҳолларда, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги 119-сон қарорига[2] кўра, корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарларни чакана сотишни ўз фирма дўконлари, шу жумладан ишлаб чиқариш жойида ташкил этилган ўз **фирма дўконлари** ёки ўзларига тегишли бўлган ёхуд белгиланган тартибда ижарага олинган **турғун савдо шохобчалари** орқали, фақат белгиланган намуналардаги назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Буни Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларининг (*ВМнинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 1-илова*) 6-банди ҳам тасдиқлайди, унда айтилишича, сотувчи стандартлар талабларига мувофиқ товарларни қабул қилиб олишда, сақлашда, савдо олди тайёргарлигида ва сотиш пайтида уларнинг сифати ва хавфсизлиги савдонинг зарур шарт-шароитларини, шунингдек харидорларнинг товарларни танлаш имкониятини таъминлайдиган **зарур жойлар**, асбоб-ускуналар ва инвентарга эга бўлишлари шарт.

> ***Турғун савдо шохобчалари** – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган жойларда доимий асосда жойлашган савдо объектлари (дўконлар, киосклар, кичик дўконлар, павильонлар, умумий овқатланиш савдо объектлари, дорихоналар, оптика дўконлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари) (Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари 3-бандининг еттинчи хатбошиси).*

*Фирма дўконларига доир талаблар «Гранит бизнеси» мақоласида («Норма маслаҳатчи», 2011 йил 9 августдаги 32 (317)-сон) кўриб чиқилган.*

[1]*ВМнинг 1998 йил 26 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича улгуржи бозорлар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисида» 452-сон қарорига 1-илова.*

[2]*«Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида».*

# БАНК ХОДИМЛАРИ НОҲАҚ

***Банк ходимлари болани парвариш қилиш нафақасини бераётганда олувчидан лотерея чипталари харид қилишни (бунинг устига каттагина суммада!) талаб қиладилар. Бизга кераги бўлмаган чипталарни харид қилишдан бош тортсак, кейинги гал нафақа олувчининг розилигисиз фақат пластик карточкада берилади деб дўқ урадилар. Бундан ташқари, улар болалар нафақаси суммаларидан коммунал хизматларга ҳақ тўлашни талаб қилишади. Банк ходимларининг ҳаракатлари тўғрими?***

**Е.Смолкина. Ангрен шаҳри.**

– **Йўқ, банк ходимларининг ҳаракатлари тўғри эмас.** «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга кўра, истеъмолчилар товарни эркин танлаш ҳуқуқига эгалар. Ҳеч ким товарни харидорнинг хоҳишига қарши чиқиб, мажбурлаб харид қилишга мажбур эта олмайди. Ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш мақсадида сиз ушбу ходимлар устидан шикоят қилиб, бу ҳақда банк маъмурияти ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ёзма ариза беришингиз мумкин.

Банкда ҳисобрақамлар очиш ва фуқароларнинг банк карталарига пул маблағларини қайд этиш фуқаро билан банкнинг шартномаси ва уларнинг аризаларига асосан амалга оширилади. Фуқаролик кодексига кўра, шартномалар тузишнинг асосий қоидаларидан бири ихтиёрийлик ҳисобланади. **Шартнома тузишга, шунингдек тўловни шахсий картага қайд этиш тўғрисида ариза ёзишга мажбур этиш ҳуқуқбузарликдир.** Сиз ходимларнинг ҳаракатлари устидан шикоят билан Марказий банкка «ишонч телефони» орқали мурожаат қилишингиз мумкин: минтақалардан – 8 (800) 200-00-44; Тошкент шаҳридан – 200-00-44. Фуқароларнинг мурожаатлари бепул.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юрисконсульти.***

# НАҚД ПУЛСИЗ ЧАКАНА СОТИШ МУМКИН

***Фирмамиз 2004 йилдан бошлаб ўз фаолиятини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан берилган махсус лицензияга кўра амалга оширади. Биз ветеринария препаратларини чакана сотамиз, ҳозирги вақтда кўп фирмалар ветеринария препаратларини пул ўтказиш йўли билан сотишимизни илтимос қилишяпти. Биз товарни пул ўтказиш йўли билан бериш ҳуқуқига эгамизми? Агар эга бўлсак, буни шаҳар ҳокимлигининг савдо департаменти ва шаҳар солиқ бошқармаси билан келишишимиз керакми?***

**Ж.Холиқов.**

– **Ҳа, сиз товарни пул ўтказиш йўли билан реализация қилишга ҳақлисиз.** Бунинг учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензияни қўшимча равишда олишингиз керак эмас, чунки сиз махсус лицензияга эгасиз (*ВМнинг 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-бандининг иккинчи хатбошиси*).

Шаҳар ҳокимлигининг савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш **департаменти** ҳамда **шаҳар солиқ бошқармасини хабардор қилиш ҳам керак эмас**, чунки амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур талаб назарда тутилмаган.

***Елена ЕРМОХИНА, «Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.***

# ЎЗИНИ ЎЗИ БАҲОЛАЙДИ

***Хусусий корхона рўйхатдан ўтказилаётганда корхона устав капитали 100 000 минг сўмни ташкил қилган. Хусусий корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг бошланишида 100 000 минг сўмлик устав капитали корхонамизнинг тадбиркорлик фаолиятига жиддий муносабатда бўлиш учун етарли бўлмади.***

***Ўшанда мен хусусий корхонанинг ягона муассиси сифатида ўз мулким – экскаватор-бульдозерни киритиб, устав капиталини ошириш қарор қилдим ва Марғилон шаҳри ҳокимлигига устав капитали кўпайганлигини ҳисобга олган ҳолда уставни қайта рўйхатдан ўтказиш илтимос қилинган хат билан мурожаат қилдим. Менинг хатимни тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси бўлимига юборишди.***

***Устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ҳужжатларимизни кўриб чиқиб, ҳеч қандай эътироз билдиришмади. Фақат шахсий мулкимга доир баҳолаш экспертизасини талаб қилишди. Бу талаб нимага асосланганлиги ҳақида сўраганимда Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори бор деб жавоб беришди.***

***Мен ана шу ҳужжат билан танишиб чиқдим, бироқ ҳеч қаерида тадбиркор мол-мулкни баҳолаши кераклиги талаби белгиланганлигини кўрмадим. Аслини олганда, агар бепул ўтказилса, мол-мулкни баҳолаш қийин эмас. Бироқ у жуда кўп пулни талаб қилади. Хусусий корхона ҳали ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошлагани йўқ, бироқ жуда кўп пул тўлаши керак бўляпти.***

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, аксинча, ҳар доим тадбиркорларнинг юкини енгиллаштириш ва бу билан Ўзбекистон фуқароларини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқтириш вазифасини қўйиб келади. Бизнинг ҳолатда эса аксинча бўляпти.***

***2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида» 558-II-сон Қонуннинг 12-моддасида аниқ айтиб қўйилган: «Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди».***

***Сизлардан юқорида баён этилган вазиятни шарҳлаб беришингизни илтимос қиламан.***

**ХК муассиси.**

– Хатда хусусий бизнесни ташкил этиш билан боғлиқ масалалар тилга олинган ва, муаллиф таъкидлаганидек, кейинги вақтда республикада хусусий корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва қайтадан рўйхатдан ўтказиш таомилини анчагина соддалаштирадиган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Хусусан, Президентнинг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сон Фармони[1] билан белгиланишича, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашдаги энг муҳим вазифалардан бири **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш** ҳисобланади.

Хатда тилга олинган Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори[2] билан тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланган. Бунда тегишли гувоҳнома берган ҳолда тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиш муддати ва унинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчаларни давлат рўйхатига олиш муддати ариза-хабарномани берган пайтдан бошлаб кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

Мазкур қарор билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом билан тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун, шунингдек уларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритаётганда талаб қилинадиган ҳужжатларнинг **чекланган рўйхати** белгиланган. Давлат рўйхатидан ўтказишни **рад этиш учун асослар** ҳам белгиланган.

Хат муаллифи келтирган вазиятда Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ходимининг «мол-мулкни баҳолаш экспертизаси»ни тақдим этиш ҳақидаги талаби асоссиз.

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунда мол-мулкни **мажбурий баҳолаш** ҳоллари белгиланган. Баҳолашни ўтказиш **давлатга тўла ёки қисман қарашли** баҳолаш объектлари билан битим тузишга жалб этилган тақдирда, шунингдек баҳолаш объектининг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда ҳам мажбурийдир (*«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси*).



Шу тариқа, **хатда баён этилган ҳол мол-мулкни мажбурий баҳолаш ўтказилишини талаб қилмайди.**

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ **хусусий корхонанинг устав фондини мулкдорнинг ўзи белгилайди. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.**

Мол-мулк эгаси (мулкдор) **ўзининг ташаббуси билан** мол-мулкни баҳолашга тегишли лицензияси бўлган баҳолаш ташкилотини жалб этиши мумкин. Бу мулкдорнинг ҳуқуқи, бироқ мажбурияти эмас.

Баҳолаш ташкилоти баҳолашни амалга ошириши учун асос бўлиб шартнома ҳисобланади ва, тегишинча, унинг хизматлари қиймати шартномавийдир. Амалиётда баҳолаш хизматларининг нархларини аниқ баҳолашни ўтказишга баҳолаш ташкилотининг харажатлари тақозо этади ва одатда мавжуд рақобат шароитларида шаклланади.

***Искандар АБДУРАҲМОНОВ,***
***Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти бошқаруви аъзоси.***

[1]*«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».*

[2]*«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида».*

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

**Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади**
**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш**
САР ва CIPA сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади
058-09
Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

энг яхшисини топ
top
237-51-33
237-47-20
237-47-05

**КАРТОН**
ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ (ТОПЛАЙНЕР – 100% ЦЕЛЛЮЛОЗА). (КРАФТЛАЙНЕР).
**ҚОҒОЗ**
Тел. 565-54-00.
Факс 271-23-12.
Буюртмага
Жуда КАТТА АССОРТИМЕНТДА!!!
ОҚАРТИРИЛГАН (Финляндияда ишл. чиқ.)
Турли ўлчам ва зичликда
ОҚАРТИРИЛГАН (Жанубий Кореяда ишл. чиқ.)
Турли ўлчам ва зичликда
"СНЕГУРОЧКА" ОФИС қоғози
Арзон нархларимиз ҳаммабоп!!!
ОФСЕТ қоғози (Россияда ишл. чиқ.)
ГАЗЕТА қоғози, ғоятда оппоқ
(Сективкарда ишл. чиқ., Коми Республикаси)
ва кўплаб бошқа маҳсулотлар
242-11

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади
**ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ**
ассортиментда
Хизматлар лицензияланган
Тўлов - исталган шаклда
Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига асосан Юнусобод туманидаги "FINKONS AUDIT AT" МЧЖ (СТИР 205975344) бўйича тугатиш ишлари бошланган. Мазкур корхонанинг Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар билан Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй манзилига мурожаат қилинмаган ҳолда корхона белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

Тел. 235-87-26.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 26 сентябрдаги 10-1119/14925-сонли ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туманидаги "ABZO-NUR" MCHJ ҳамда 10-1119/14926-сонли ҳал қилув қарорига асосан "GRANAT-GARANT" ХК банкрот деб эътироф этилди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб Шайхонтоҳур туман ДСИ ходими Д.Ишметов тайинланган. Корхоналарга тегишли бўлган муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахс ва корхоналарнинг мурожаатлари 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани 100011, А.Навоий кўчаси, 7а-уй, 306-хона.

Тел. 241-30-86.

***

**Тошкент вилояти Қибрай туман ДСИдан солиқ тўловчи юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган, лекин давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб банкда ҳисобрақам очмаган тугатилаётган корхоналар**
**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | |
|---|---|---|---|
| "ВИТИМПЕКС Н.У.И-Ч.Б." | 202005928 | 04.12.1996 | 438 |
| "SHUHRAT-PLUYS-IRIS" ХК | 206716300 | 14.07.2006 | 1323 |
| "ЧЕХРА" ХК | 200607449 | 24.02.1995 | 294 |
| "MITSHEL-JASOND" ХК | 206831325 | 12.01.2007 | 1436 |
| "ХАЙДОВЧИ" ШК | 203202476 | 06.04.2000 | 378 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, Низоми, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари асл нусхалари, думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 1 ой мобайнида Тошкент вилояти, Қибрай шаҳарчаси, Зебунисо кўчаси, 1-уйда жойлашган Қибрай тумани ҳокимлиги корхоналарни тугатиш доимий махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 150-08-47.

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 26 сентябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Миробод туманидаги тугатилаётган корхоналар**
**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами | | ХТУТ (ОКРО) | Қарор рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| "CREATIVE CINEMA" | 300683417 | 17.01.2008 | 002984-03 | 22217935 | 10-1104/15529 |
| "DIOR LUX" | 301250069 | 18.01.2009 | 003961-03 | 22824807 | 10-1104/15530 |
| "GALIUS" | 200519272 | 26.09.2002 | 1121 | 15390828 | 10-1104/15531 |
| "GLOBAL DAEJIN STROY" | 301060954 | 12.02.2009 | 003685-03 | 22642868 | 10-1104/15532 |
| "GLOBAL TERMINAL SYSTEMS" | 300956503 | 09.10.2008 | 003467-03 | 22554265 | 10-1104/15533 |
| "LOUHAN FISH" | 206713313 | 12.07.2006 | 001821-03 | 21340705 | 10-1104/15534 |
| "MA'NAVIY XAZINA" УНИТАРНОЕ ПРЕД. | 203217916 | 07.04.2000 | 387 | 17705992 | 10-1104/15535 |
| "MILLENIUM CONSULT" XK | 301042073 | 28.01.2009 | 003649-03 | 22642584 | 10-1104/15536 |
| "NODAL TOUR" XK | 300984872 | 17.11.2008 | 003533-03 | 22554733 | 10-1104/15537 |
| "PARAISO-SAVDO" XK | 300612614 | 09.11.2007 | 002861-03 | 22104059 | 10-1104/15538 |
| "RUSHDILIRODA FAYS" MCHJ | 300808084 | 18.04.2008 | 003188-03 | 22415374 | 10-1104/15539 |
| "SAYREKS SERVIS" MCHJ | 206844965 | 28.08.2007 | 0023510-03 | 21563670 | 10-1104/15540 |
| "SEOUL-TASHKENT-BIZNES" MCHJ | 206404887 | 28.01.2008 | 003007-03 | 20811284 | 10-1104/15541 |
| "SUV INVEST" YOAJ | 203735708 | 26.02.2004 | 03-000042 | 18244949 | 10-1104/15542 |
| "DIANA-AVTO-BITO-SERVIS" | 300973024 | 30.10.2008 | 003503-03 | 22554513 | 10-1104/15543 |
| "NUR AIRLINES" MCHJ | 206696059 | 18.10.2007 | 001687-03 | 21309701 | 10-1104/15544 |
| "DONIYOR UNIVERSAL SERVIS" | 300764078 | 18.03.2008 | 003116-03 | 22321791 | 10-1104/15545 |
| "UZ SANHA" | 205311584 | 26.11.2007 | 000705-03 | 19855365 | 10-1104/15546 |
| "BEAUTY EXPO HAND" | 300642048 | 12.12.2007 | 002922-03 | 22217421 | 10-1104/15547 |
| "SHIRIN HAYOT-SERVIS" MCHJ | 205536652 | 31.03.2006 | 000846-03 | 20082371 | 10-1104/15549 |
| "SNEJANA-SERVIS" MCHJ | 200817187 | 26.06.2008 | 03-000859 | 15113299 | 10-1104/15551 |
| "SUPERIOR DIESEL" MCHJ | 301085795 | 03.12.2009 | 003721-03 | 22643098 | 10-1104/15553 |
| "PHARMILINE" MCHJ | 301404476 | 16.12.2009 | 004268-03 | 23025178 | 10-1104/15554 |
| "QM KOSMETIKS AND PERFUMS" MCHJ | 205241499 | 11.10.2004 | 000568-03 | 19781849 | 10-1104/15555 |
| "BIOPLANTEK" MCHJ | 206981076 | 13.11.2008 | 003525-03 | 22612471 | 10-1104/15556 |
| "ENKA STROY" MCHJ | 301384226 | 25.11.2009 | 004218-03 | 23024776 | 10-1104/15557 |
| "GUZALA PLUS" MCHJ | 205952610 | 27.11.2006 | 001293-03 | 20535418 | 10-1104/15558 |
| "HANA INVESTMENT CONSULTING" MC | 300773859 | 26.03.2008 | 003125-03 | 22321868 | 10-1104/15559 |
| "ILKVANG-TRADING" MCHJ | 300979442 | 09.06.2009 | 003515-03 | 22554590 | 10-1104/15560 |
| "DKB-PRESS-STO" MCHJ | 205910647 | 06.09.2006 | 001254-03 | 20469124 | 10-1104/15561 |
| "AL-OLAMI TRADE" MCHJ | 205281774 | 24.11.2004 | 000667-03 | 19816023 | 10-1104/15562 |
| "TASHKOR INT" MCHJ | 205853014 | 06.06.2006 | 001561-03 | 20439979 | 10-1104/15563 |
| "TOSHKENT-SHAXRISABZ MEVA" MCHJ | 206923574 | 05.07.2007 | 002636-03 | 22070337 | 10-1104/15564 |
| "VATAN OVOZI" MCHJ | 206853187 | 22.03.2007 | 002422-03 | 21648716 | 10-1104/15565 |
| "GOLDEN TRIGO LUXE" XK | 300991951 | 27.11.2008 | 003551-03 | 22554928 | 10-1104/15566 |
| "ZAVA SERVIS PLUS" MCHJ | 301223307 | 16.06.2009 | 003932-03 | 22824575 | 10-1104/15567 |
| "VERTEKS-BIZNES" MCHJ | 206414265 | 17.04.2006 | 001461-03 | 20965969 | 10-1104/15568 |
| "TELEPAY GOLD BIZNES" MCHJ | 301415028 | 24.12.2009 | 004286-03 | 23089304 | 10-1104/15569 |
| "UMAROVA SAYYORA SERVIS" XK | 301214261 | 09.06.2009 | 003914-03 | 22824428 | 10-1104/15570 |
| "PERA LUX" MCHJ | 301040449 | 27.01.2009 | 003646-03 | 22642561 | 10-1104/15571 |
| "SU-HYUN-INTERNATIONAL" MCHJ | 300797471 | 10.04.2008 | 003164-03 | 22322170 | 10-1104/15572 |
| "RA'NOXON SAVDO" MCHJ | 300473155 | 04.06.2007 | 002573-03 | 21885155 | 10-1104/15573 |
| "KHUSHNUD AVLONY" MCHJ | 206997103 | 27.04.2009 | 003830-03 | 22715863 | 10-1104/15574 |
| "MEZON TEKSTIL" XK | 206025346 | 02.02.2006 | 001329-03 | 20537433 | 10-1104/15575 |
| "METIN HIMOYA" MCHJ | 300365700 | 23.03.2007 | 002420-03 | 21565155 | 10-1104/15576 |
| "RAMZES-TORG" XK | 300494944 | 27.06.2007 | 002624-03 | 22015491 | 10-1104/15577 |
| "EMERALD ART FACTORY" MCHJ | 300921143 | 28.08.2008 | 003419-03 | 22478995 | 10-1119/15785 |
| "DOVIDOV" XF | 201992059 | 06.11.1996 | 678 8 | 16387107 | 10-1119/15786 |
| "JBJ-DEVELOPMENT" MCHJ | 300582946 | 04.10.2007 | 002789-03 | 22103574 | 10-1119/15787 |
| "IMAGO" MCHJ | 204260319 | 22.11.2002 | 1353 | 18722873 | 10-1119/15788 |
| "TASTE-ELITE" XK | 205257976 | 28.10.2004 | 000600-03 | 19812775 | 10-1119/15789 |
| "MILANA SWEET" MCHJ | 301257762 | 10.07.2009 | 003978-03 | 22824919 | 10-1119/15790 |
| "NADEJDA-XOZYAYUSHKA" MCHJ | 205161187 | 10.05.2007 | 002518-03 | 19659457 | 10-1119/15790 |
| "DATING-SERVIS" MCHJ | 300886599 | 11.07.2008 | 003334-03 | 22478386 | 10-1119/15791 |
| "LIKIM SERVIS" MCHJ | 300982772 | 21.04 2009 | 003522-03 | 22554644 | 10-1119/15792 |
| "JOZE-NET PLUS" XK | 300132659 | 12.01.2007 | 002297-03 | 21564379 | 10-1119/15794 |
| "WIND OF TIME" MCHJ | 204726109 | 20.07.2009 | 000065-03 | 19285614 | 10-1119/15795 |

Мазкур корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномалари, думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар 2 ой мобайнида Тошкент ш., Нукус кўчаси, 18-уй, Миробод тумани ҳокимлиги Корхоналарни тугатиш доимий ишловчи махсус комиссиясига мурожаат қилишлари мумкин.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилаётган корхоналар**
**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | КТУТ | Рўйхатдан ўтган рақами ва санаси | | Қарор санаси |
|---|---|---|---|---|---|
| "АДОЛАТДА-БАРАКА" ХФ | 201675998 | 16106930 | 121 | 09.12.1996 | 20.05.2008 |
| "ESHBEK-AUDIT" AT | 204192521 | 18726074 | 132 | 03.10.2002 | 20.05.2008 |
| "AUDIT-KARAT LTD" AT | 201349286 | 15884861 | 470 | 24.02.1998 | 10.06.2005 |
| "DV-GOLDSTAR-AUDIT" AT | 205622159 | 20139326 | 318 | 18.04.2005 | 30.05.2008 |
| "AVERS-AUDIT" AT | 203777046 | 17764049 | 35 | 11.12.2001 | 21.05.2008 |
| "М.Р.А.-аудит" АТ | 202117123 | 16487369 | 300 | 21.01.1997 | Тақдимнома |
| "АККО" АТ | 202149123 | 16487843 | 318 | 14.02.1997 | 20.05.2008 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани Ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади.

Тел. 235-87-26.

